

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

" BESHKENT PAXTA TOZALASH " АЖ бошқаруви органларига:
Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тулик номи:	"BESHKENT PAXTA TOZALASH" Акциядорлик жамияти
Юридик манзили:	Қашқадарё вилояти, Қарши тумани Нишон йули 3 км
Хисоб рақами:	2021000090087881001 АТБ «Агро банки» Қарши филиали
МФО:	00172
ХХТУТ:	13101
СТИР:	200686082
Тел:	998-98-775-29-80
Асос:	17.04.2024 йилдаги 25-сонли шартнома

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори (аудитор малака сертификати №05648 04.12.2019 йил) Тураев Комил Исмоилович "BESHKENT PAXTA TOZALASH" АЖнинг 2023 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботидан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларнинг қисқача таснифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат булган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар булади.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини

юклайди. Аудит молиявий хисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб берадиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб тамойилларини бажаришни уз ичига олади. Танланган тартиб-тамойиллар аудиторнинг мулохазасига шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий хисоботларда юзага келиши мумкин булган мухим бўзиб кўрсатишлар рискларига берилган бахога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда аудитор вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-тамойилларни ишлаб чиқиш мақсадида тадбиркорлик субъекти уз молиявий хисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим етиши билан боғлиқ булган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит утказиш қўлланилаётган хисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан хисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилиги баҳолашни, шунингдек молиявий хисоботларнинг умумий ифодаланишни баҳолашни ҳам уз ичига олади. Биз узимиз олган аудиторлик далиллари уз аудиторлик фикримизни билдиришга асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб хисоблаймиз.

Ижобий Фикр

Бизнинг фикримизча "BESHKENT PAXTA TOZALASH" АЖнинг молиявий хисоботлари унинг 2023 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча мухим жihatларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

28.05.2024 йил

МЧЖШ «NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT»
директори:



К.Тураев.